# Шартнома № 329635

*(Аутсорсинг усулида тиббиёт бирлашмаларида соглом овкатлантиришни ташкил этиш буйича)*

*Пайариқ тумани* «13» апрел 2022 йил

"CHELAK AUTSORSING" МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи рахбари У.А.Примов (кейинги матнларда "Аутсорсер") бир томондан,Устав асосида иш юритадиган Пайариқ туман Тиббиёт Бирлашмаси бошлиги М.А.Эшбеков (кейинги ўринларда "Буюртмачи") иккинчи томондан, ушбу шартномани туздилар.

**I. Шартнома предмети.**

1.1. Мазкур шартнома предмети булиб, Аутсорсер томонидан буюртмачи маблаглари хисобидан кунига 3 махал иссик овкатлантиришни ташкил этиш хисобланади.

| № | Товар (ишхизмат)номи | Ўлчов бирлиги | Хажми | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Беморларни иссиқ овқат билан таъминлаш | хизмат | 81 162 | 13 131 | 1 065 738 222 |
| | **Жами** | | | **13 131** | **1 065 738 222** |

1.2. Шартнома тузиш кунига беморларнинг руйхатдаги сонидан келиб чиккан холда хамда санитар меёрларига асосан тузилган таомномага асосан шартнома суммаси 1 065 738 222 (Бир миллиард олтмиш беш миллион етти юз уттиз саккиз минг икки юз йигирма икки) сумни ташкил этади.

1.3. Аутсорсер томонидан буюртмачи билан келишилган холда кушимча шартлар асосида тиббиёт бирлашмаси ходимлари учун иссик овкат ташкил этишга рухсат этилади.

**II. Шартномада кулланилган термин ва тушунчалар.**

2.1. Буюртмачи – Пайариқ туман Тиббиёт бирлашмаси

2.2. Аутсорсер - "CHELAK AUTSORSING" маъсулияти чекланган жамияти

2.3. Туловчи – Пайариқ туман Тиббиёт бирлашмаси

2.4. Шартнома суммаси – санитария меъёрларига асосан бир беморга тугри келадиган меъёр асосида таомнома буйича сарфланадиган озик-овкат махсулотларининг уртача бозор нархлари доирасида (хокимят томонидан тасдикланган нархлардан ошмаган холда) Аутсорсернинг барча харажатларини (солик мажбурий туловлар, ходимлар иш хаки блан боглик туловлар ва ажратмалар, транспорт харажатлари, ошхона ва омборхонадаги ускуна ва анжомларни саклаш ва таъмирлаш харажатлари ва бошка коммунал туловлардан ташкари) хисобга олиб кушилган 20 фоизлик устама билан хисобланган сумма.

2.5. Хакикатда курсатилган хизматлар киймати – бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-фактураларда акс эттирилган ва буюртмачи томонидан тасдикланган хизматлар киймати. Бунда санитар гигиена меъёрларига асосан бир беморга тугри келадиган меъёр асосида таомнома буйича сарфланган озик-овкат махсулотларининг хар бир тури буйича микдорини уртача бозор нархларига купайтириб (хокимят томонидан тасдикланган нархлардан ошмаган холда), 20 фоизлик устама билан хисобланган киймат. Хамда курсатилган хизматлар кийматининг асоссиз равишда шартнома суммасининг ошишига йул куйилмайди.

**III. Шарнтнома тузишнинг хукукий асослари.**

Мазкур шартномани тузиш учун Узбекистан Республикаси Президеитиниог Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 05.02.2016 йилдаги 31-сонли карори, Согликни саклаш вазирининг 13.12.2018 йилдаги 646-сон буйруги билан тасдикланган "Согликни саклаш вазирлигининг чора-тадбирлар режасига асосан, тиббиёт муассасаларининг кушимча ва ёрдамчи функцияларини хусусий секторга утказиш юзасидан 2021 йил учун тузилган чора-тадбирлар

режаси ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 10.01.2020 йилдаги №16-сонли карори, шунингдек, умумий овкатланишни ташкилташтиришни
тартибга солувчи бошка меъёрий хужжатлар хукукий асос булиб хизмат килади.

**IV. Хисоб-китоблар тартиби.**

4.1. Сотиб олувчи мазкур шартномани газначилик булинмасида руйхатга олинган кундан бошлаб 10 календар кун ичида конунчиликка мувофик шартнома умумирй суммасидан 15 % микдорида олдиндан тулаш мажбуриятини олади колган 85% ни товарни олгандан сунг 30 календар куни ичида кабул килиш топшириш далолатномаси хисоб- фактура ва бошкалар асосида тулайди.

4.2. Буюртмачи шартнома Пайарик тумани буйича Газначилик булинмаси томонидан руйхатга олингандан сунг, такдим этилган хисобга асосан 10 (ун) кун муддат ичида дастлабки туловни амалга оширади.

4.3. Аутсорсер томонидан хар 15 кун учун таомнома тузилиб, буюртмачи билан келишилади.

4.4. Хар куни соат $16^{00}$ гача тиббиёт бирлашмаси бош шифокори томонидан ёзма равишда тасдикланган холда келгуси кун учун овкатланиши белгиланган беморлар сони буйича аутсорсерга буюртма такдим этилади.

4.5. Аутсорсер томонидан тайинланган масъул шахслар томонидан хар куни якуни буйича таомномага асосан хакикатда сарфланган озик-овкат махсулотлари микдори ва киймати устама нархи кушилган холатда тегшли маълкмот тайёрланади.

4.6. Буюртмачи ва Аутсорсер масъул шахслари томонидан ушбу маълумотлар асосида хар 15 кунда бажарилган ишлар далолатномаси тузиб тасдиклангандан сунг, Аутсорсер рахбари ва тиббиёт бирлашмаси бош шифокори томонидан туланиши керак булган маблаг буйича тегишли хисоб-фактура тузилиб расмийлаштиради.

4.7. Хисоб-фактура бажарилган ишлар тугрисида далолатнома билан биргаликда Буюртмачини марказлашган бухгалтерия хизматига такдим этилади. Шартномага асосан туланмаган маблаг хисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномасига асосан белгиланган тартибда беш кунлик иш куни ичида туланиб берилади.

**V. Сифат ва таомнома.**

5.1. Тайёрланаётган таомлар ва тайёр махсулотлар сифатида санитария меъёр ва коидаларига белгиланган талабларга хамда бошка меъёрий хужжатлар талабларига мос келиши керак.

5.2. Аутсорсер томонидан ишлатилаётган озик-овкат махсулотлари сифатини тасдикловчи сертификатлар ва бошка тегишли хужжатлар мавжуд булиши керак. Ушбу масалада Буюртмачи Брокер комиссияси назорат юритади.

**VI. Махсулот тайёрлаш билан боглик харажатлар.**

6.1. Буюртмачи томонидан тиббиёт бирлашмаси балансидаги беморларни овкатлантириш билан боглик булган барча ошхона ва омборхона бинолари, тегишли жихозлар, ускуналар, идиш-товоклар Аутсорсерга «ноль» ставкада бегараз топширилади. Коммунал (электр энергияси, таббий газ, ичимлик суви канализация) харажатлар Буюртмачи хисобидан копланади.

6.2. Юкорида курсатилган бино ва мулклар Аутсорсерга соз ва ярокли холда топширилиб, тегишли топшириш-кабул килиш далолатноаси билан расмийлаштирилади, шунингдек, «ноль» кийматда бегараз топширилган ушбу воситалар буйича алохида ижара шартномаси расмийлаштирилади.

6.3.Аутсорсер 20 % лик устама доирасида куйидаги харажатларни амалга оширилади;

- Бюджетга белгиланган солик ва йигимлар тулови, штат жадвалидаги ходимлар иш хаки тулови, озик-овкат махсулотлари хариди, махсулотларни харид килиш ва аутсорсинг хизмати курсатиладиган манзилга етказиш билан боглик транспорт харажатлари, ижарага олинган бино, иншоатлар ва мулкларни саклаш ва таъмирлаш билан боглик харажатлар ва бошкалар.

6.4. Аутсорсер зарур холларда курсатилаётган хизмат сифатини ошириш учун узининг жихозларидан фойдаланиши мумкин.

**VII. Томонларнинг хукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, низоларни хал этиш.**

7.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:

7.1.1 Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

7.1.2 Ижарага олинган бино ва нншоотларнинг ички ва ташки кисмида техник жихдтдан жихозлаш ва таъмирлаш ишлари ва коммуналл тўловларини амалга ошириш;

7.1.3 Хизматлар таннархининг узгариши муносабати билан шартномага узгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

7.1.4 Курсатилган хизматлар учун уз вактида туловлар амалга оширилишини талаб килиш;
7.1.5 Курсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;
7.1.6 Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишиии талаб килиш;
7.1.7 Крнун хужжатларига мувофик, бошка хукуклар.
72.1. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:
2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан максадли хамда окилона фойдаланишн, сакдашн, носоз холга келганда уларни уз хисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини коплаши;
2.2.2. Аутсорсинг хизматини курсатишда техника, ёнгин, мехнат мухофазаси хдмда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига катьий риоя этипш;
2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чикарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
2.2.4. Махфийлик тартибига катьий риоя килиши;
2.2.5. Шартномани бекор килиш хдкида буюртмачиии икки ой олдии ёзма равишда огохлантирнш, ушбу муддат ту гагу ии га кадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартиомаииıг 1.3-баидида курсатилган муддатда ва тулик хажмда курсатиши;
2.2.7. Хизматлар курсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал килмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби буйича бир кун давомида бепул тугрилаши;
2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чикариш (хизмат курсатиш) хоиалари холати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига жавоб бермаслиги аникланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аникланган камчиликларни бартараф этиш буйича конуний талабини бажариши;
2.2.9. Малакали, тажрибали, куйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли хужжатлари мавжуд булган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (курикдан) утган ходимларга (талаб этилган холларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этнши;
2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлок коидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя килиш мажбуриятини юклаши;
2.2.11. Хизмат курсатиш буйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;
2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланншга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бопщалар моддий воситаларни соз холда сакдаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;
2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топширнш далолатномасини расмийлаштирган холда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарнн, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва боищалар моддий воситаларни кабул килиб олиши;
2.2.14. Мазкур шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохдантириши, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз курсатилишини таъминлаши;
2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни курсатиш ишларига жалб этилган ходимларни укнтишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган холларда);
2.2.16. Крнун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.
2.3. Буюртмачи куйидаги хукукдарга эга:
2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чикарилиши (бажарилиши, курсатилиши)ни талаб килиш;
2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат килиш;
2.3.3. Шартномани бекор килиш тугрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда курсатилган хизматларнннг кдйматини белгиланган тартибда тулаш;
2.3.4. Крнун хужжатларига мувофик бошка хукукдар.
2.4. Буюртмачи кунидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида курсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар буйича бир ойда камида бир марта Хизматлар хакини тулаши;
2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошка моддий воситаларни вактинча фойдаланншга бериши;
2.4.3. Крнун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятлар.
7.1. Аутсорсер куйидаги хукукларга эга:
- шартнома имзоланган вактдан бошлаб ижарага берилган мулкни балансда сакловчидан талаб килиш;
- ижарага олинган бино ва иншоатнинг ички кисмида техник жихатдан жихозлаш ишларини амалга ошириш;
7.2. Аутсорсер мажбуриятлари:
- Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси беморлар учун соглом овкатлантиришни ташкил этиш;
- Пайариқ туман тиббиёт бирлашмасининг ижарага олинган ошхонасидан максадли фойдаланиш;
- Пайариқ туман тиббиёт бирлашмасининг ижарага олинган ошхонасини техник жихозларни сакловчининг ёзма розилигини олиш;
- озик-овкат хом-ашёси ва озик-овкат махсулотларининг сифатли сакланишини таъминлаш;
- тиббиёт бирлашмасининг ижара олинган ошхонасидан фойдаланишда санитария коидалари меъёрлари ва гигиена нормативларига риоя килиш;
- овкат тайёрлаш билан боглик ходимларнинг тегишли тиббий назоратдан утганлигини таъминлаш;
- Давлат санитария назорати масъул ходимлари масъул томонидан тегишли текшириш ва урганишларга тускинлик килмаслик, назорат килувчи идоралар томонидан тегишли текшириш ва тегишли тартибда такдим этиш, брокераж комиссияси фаолиятига тускинлик килмаслик.
7.3. Буюртмачи хукуклари:
- Брокераж комиссияси фаолиятини тугри ташкил этиш;
- Аутсорсер билан келишган холда санитария меъёрлари доирасида таомномаларга узгартириш киритиш буйича шунингдек, соглом ва тулаконли овкатлантиришни янада сифатли булиши юзасидан тегишли таклифлар бериш ва таом сифатини мунтазам назорат қилиш;
7.4. Буюртмачи мажбуриятлари:
- Озик-овкат махсулотлари сифатли ва санитария-эпидемиологик холатни мунтазам назорат килиш;
- бракераж комиссияси фаолияти буйича назорат урнатиш;
- ажратилган маблагларни максадли сарфланишини назорат килиш;
7.5. Мазкур шартнома шартларини бажармаган ёки тулик бажарилмаслигида айбдор томонлар Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида”ги Конуни, фукаролик кодекси хамда бошка конун хужжатларига асосан тегишли тартибда жавобгар буладилар.
7.6. Мазкур шартнома амал килиш даврида юзага келган барча низо ва тортишувлар томонлар уртасида музокаралар утказиш оркали хал этилади. Хал этилмаган масалалар буйича томонлар тегишли иктисодий судларга конунчиликда белгиланган тартибда мурожаат килишлари мумкин.

## VIII.ФОРС - МАЖОР

8.1. Тарафлардан бири шартноманинг енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавкулотда муайян шароитида олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (табиий офатлар,ноқулай об-хаво шароити,хукумат тадбирлари, хокимият органларининг қарорлари, харбий низолари, ички тартиббузарликлар ва бошқа табиий офатлар) форс-мажор туфайли бажарили бажирилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар булмайди.
8.2. Мазкур шартнома бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаса томонлар Узбекистон Республикаси “Хужалик юритувчи субьектлари фаолиятининг шартномавий хукукий базаси

тугрисидаги” ги конуни ва Узбекистон Республикасининг бошка амалдаги конунлари талаблари буйича жавобгар булади.

## IX. Бошка шартлар.

9.1. Мазкур шартнома шартларига киритиладиган хар кандай узгартириш ва кушимчалар томонларнинг ваколатли шахслари томонидан ёзма равишда тасдиклангандан сунг хакикий хисобланади.

9.2. Хеч кайси томон уз хукук ва мажбуриятларини бошка томоннинг ёзма розилигисиз учинчи томонга утказиши мумкин эмас.

9.3. Томонлар уз реквизитлари узгарган такдирда бошка томонни уз вактида хабардор этиши лозим.

9.4. Мазкур шартнома 3 нусхада тузилди ва томонларнинг мухри билан тасдикланди.

9.5. Мазкур шартноманинг 2 нусхаси томонларда ва 1 нусхаси Пайариқ тумани буйича Газначилик булинмасига тақдим этилади.

## X. Шартноманинг амал килиш муддати.

10.1. Мазкур шартнома Пайариқ тумани буйича Газначилик булинмасида руйхатдан утгандан сунг хакикий деб хисобланади хамда 2022 йил "31" декабргача амал килади.

## XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари.

**«Аутсорсер»**

**"CHELAK AUTSORSING" маъсулияти чекланган жамияти**

*(мол етказиб берувчининг номи)*

Манзил Пайариқ туман "Наврўз" МФЙ Қўтирбулоқ қишлоғи

Тел./факс (94) 530 33 57, (90) 104 33 47
Х/р: 2020 8000 9051 2096 4001
СТИР 306 704 914
МФО: 00318
ОКОНХ: _______

Банк номи: ОАТБ "Агробанк" АТБ Челак филиали

Рахбар ______ У.А.Примов
(имзо)

М.Ў.

**«Буюртмачи»**

**Пайариқ туман Тиббиёт Бирлашмаси**

*(бюджетдан маблағ олувчининг номи)*

Манзил: Пайариқ туман О.Қувватов кучаси 15 уй

ш/ҳ 100022860182247073101054006
бюджетдан маблағ олувчи СТИР 200760814
ОКОНХ __91511_____
Пайариқ тумани буйича Газначилик булинмаси
Ғазна х/в 23402000300100001010
Банк номи:Марказий банк Тошкент шахар бош бошкармаси ХККМ
МФО 00014,
Газначилик булинмаси СТИРи 201122919

Рахбар ______ В.Н.Бердимуродов
(имзо)

М.Ў.

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VQ1827830407

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**
**SAMARQAND VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**
**PAYARIQ TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

141300 Payariq shahri, Cho'lpon ko'chasi, payariqyuridikxizmat@inbox.ru

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**№ JQ03645170**

**1. Loyihaning turi.** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi.**

Tuman tibbiyot birlashmasi bilan "CHELAK AUTSORSING" MCHJ o'rtasida autsorsing usulida tibbiyot birlashmalarida sog'lom ovqatlantirishni tashkil etish bo'yicha shartnoma.

**3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot.**

Tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan 13-aprel kuni ishlab chiqilgan va 13-aprel kuni markazga yuborilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Payariq tumani Yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti** **F.Xalilov**